

28-avgust
2025-yil 34 (1 136)

O'ZLIDEP

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@xxiasrgazetasi

АХШР

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Миллий
истиқлолимининг
энг буюк мақсади
инсонга эътибор,
унинг қадрини,
меҳнатини улуғлаш,
олижаноб
халқимизнинг
иззат-ҳурматини
жойига қўйишдан
иборат!

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@xxiasrgazetasi xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan



БУГУНГИ СОНДА

**НУРОНИЙЛАР НУР
БАФИШЛАЙДИ**

2.



**ИШБИЛАРМОНЛИКНИ
КИМЛАР УЛУҒЛАЙДИ?**

3.



**ИНСОН ШАЪНИ
МУҚАДДАС**

4.



**ЖЎРАБЕК ДОДХОҲ
ҲАҚИҚАТИ**

8.



O'ZLIDEP

Қадрли юртдошлар!
Сиз азиэлари, бутун халқимизни
Ватанимизнинг 34 йиллик шонли байрами –
Мустақиллик куни билан чин юракдан
табриклаймиз!

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга
оширилган улкан ислохотлар, иқтисодиётимиз-
нинг изчил ривожланиши, фуқароларимиз фаровон-
лиги ва давлатимизнинг жаҳон миқёсида тобора
ортиб бораётган нуфузи, ҳеч шубҳасиз, барчамизга
фахр-у ифтихор бағишлайди.

Бугун халқимизнинг ташаббускорлиги,
тадбиркорлик ва ишбилармонлик руҳининг
юксалиши, ёшларимизнинг билим ва истеъдо-
дини рўйбга чиқариш учун кенг имкониятлар
яратилмоқда. Айнан шу йўлда Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-
демократик партияси ҳам ибратли фаолият олиб
бормоқда.

Мустақиллик – биз учун энг улуғ неъмат, энг
буюк қадрият. Шу муқаддас юртимизни янада
обод, халқимиз ҳаётини эса янада фаровон қилиш
йўлида ҳамжихатликда, фидойилик билан меҳнат
қилиш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик партияси**

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2025”



**ЎЗИГА ХОС СИНОВ
МАЙДОНИ**

Қарийб ўн йилдан бери анъанавий
тарзда ўтказиб келинаётган “Ишбилармон
аёл” кўрик-танлови шу кунларда қизгин
паллага кирди: яъни ҳал қилувчи босқич
бошланяпти. Қизик жиҳати, бу синовда ёш
чегараланмаган, фақат халққа нафи тега-
ётган хотин-қизлар саралаб олинмоқда.
Мамлакатимизнинг турли бурчларида бу
жараён ўзига хос тадбиркорлар беллашуви-
га айланиб кетди.

Эътиборлиси, Бухоро вилоятида уюштирил-
ган ушбу танловда бевосита O'zLiDeP Сиёсий
Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам
Хайтов иштирок этиб, дастлаб иштирокчилар
билан самимий мулоқотда бўлди. Айниқса, мус-
тақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида таш-
кил этилган ушбу танлов тадбирлари кўпчилиқда
катта таассурот қолдирмоқда.

“Ҳаммининг ғолиба бўлгиси келади, лекин
бу ҳам жиддий кураш жабҳаси, шундай экан,
Янги Ўзбекистонимизда сиёсий-иқтисодий ва
иқтисодий ҳамда маърифий соҳаларда амалга
оширилаётган улкан ислохотлар моҳиятини
айнан аёллар ўртасида кенг тарғиб қилишда
жуда қўл келаятган “Ишбилармон аёл” кўрик-
танлови партияимизнинг энг истиқболли,
қамрови кенг лойиҳаларидан бири сифатида
эътироф этилмоқда. Албатта, тадбиркорлик
бобида муваффақият қозониш осон эмаслигини
бу танлов ҳам исботлаб турибди. Бўлғуси
совриндорларга фақат омад ёр бўлишини
тилайман!” – деди O'zLiDeP лидери мулоқот
чоғида.

Дарвоқе, ой бошидан бери давом
этаётган танлов бошқа ҳудудларда ҳам
давом этмоқда.

3

O'ZLiDeP SIЁSIЙ KENGAШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

Очиқ мулоқотлар давом этади

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб давлатимиз раҳбарининг 20 август – Тадбиркорлар кунини муносабати билан ўтказган очиқ мулоқоти ва ундан келиб чиқадиган долзарб вазифалар атрофида кўриб чиқилди.



Таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бизнес учун қулай шароит яратиш натижасида 1 минг 600 та микрокорхона бир йил ичида айланмасини ошириб, ўрта корхонага айланди. 143 та корхона йирик бизнес мақомига эришди, яна 122 та кичик корхона йириклар сафига қўшилди. Бизнесни “соя”дан чиқариш чоралари туфайли 139 минг корхонада иш ўринлари қўпайди, иш ҳақи фонди сезиларли ошди.

Фракция аъзолари ушбу натижаларда очиқ мулоқотлар орқали тадбиркорлардан келиб тушган таклиф ва ташаббусларнинг қонунчиликка киритилиши муҳим роль ўйнаётганини қайд этдилар. Ҳозиргача 1 мингга яқин ташаббус қонун даражасига кўтарилгани партиянинг тадбиркорлар манфаатларини ифода этаётганини кўрсатади.

Йиғилишда бизнес соҳасида қўшимча имкониятлар яратиш – тадбиркорларга ер майдони ажратиш, мактаб ва боғчаларнинг бўш ерларида хусусий шериклик асосида таълим муассасалари қуриш, тиббиёт кластерларини ташкил этиш, инвестиция платформалари

ни йўлга қўйиш, туризм салоҳиятини ошириш каби ташаббуслар кенг муҳокама қилинди. O'zLiDePнинг бу жараёнлардаги партиявий вазифалари аниқ белгилаб олинди. Хусусан, фракция аъзолари ва барча депутатлар жойларда назорат-таҳлил ишларини тизимли олиб бориши, тадбиркорлар билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг ташаббусларини қонунчиликка олиб кириши, ислохотлар ижросида фаол иштирок этиши шарт эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда партия ташаббуси билан “Креатив тадбиркор ёшлар” лойиҳасини амалга ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Лойиҳа доирасида амалий ва тасвирий санъат, архитектура ва урбанистика, рақамли технологиялар, аграр соҳалар, реклама ва аудиовизуал санъат каби йўналишларда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастур ишлаб чиқилади. Ёшлар стартаплари ва инновацион ғояларини рағбатлантириш, имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш, фестивал

ва ярмаркалар, турли акция ва танловлар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг “Аваза” миллий туризм зонасида Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг уч томонлама учрашувида илгари сурган таклиф ва ташаббуслари аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритилди. Фракция аъзолари ва партия вакиллари Президентимизнинг уч томонлама учрашувда билдирган таклиф ва ташаббуслари қардош мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини янги bosқичга олиб чиқишни эътироф этишди. Мазкур ташаббуслар халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга ургў берилди.

Йиғилиш якунида Президент фармони ва очиқ мулоқотда белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган O'zLiDePнинг комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

ИБРАТ



Нуронийлар нур бағишлайди

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг марказига, энг аввало, инсон кадри, унинг тақдири ва келажаги масаласи қўйилиб, ушбу халқпарварлик давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиши бежиз эмас. Айниқса, ёшларга эътиборнинг йилдан-йилга юксалиб, улар учун турли имкониятлар эшиги очилаётганида ҳам олам-олам маъно бор. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистон – бу, аввало, янги авлод”дир. Шу маънода, ёшларни маънан етук, билимли, ташаббускор ва ватанпарвар қилиб тарбиялаш – стратегик вазифа сифатида белгиланган.

Мен ҳам кўп йиллик меҳнат фаолиятим давомида орттирган тажрибамни ёшлар билан бўлишишни ўзимнинг маънавий бурчим деб биламан. 2005 йилдан буён нафақада бўлсам-да, уйда ўтирганим йўқ, аксинча, жамоат ишларида фаол қатнашиб, “Ун нафар ёшга бир нуроний” лойиҳаси доирасидаги фаолиятим орқали навқирон авлод вакиллари билан доимий мулоқотдаман. Уларнинг ҳаётга бўлган муносабатини шакллантиришда, тўғри йўлни танлашларида маслаҳатчи ва кўмакчи бўлиб келмоқдаман.

Тарбия – жамиятнинг узлуксиз жараёни. Унда миллий қадриятлар, маънавий мерос ва замонавий билим уйғунлиқда намоён бўлади. Шу боис келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг маънавий камолоти йўлида ҳар бир нуронийнинг иштироки – фақат ижтимоий фаоллик эмас, балки эл-юртимиз тақдирига дахлдор улкан масъулиятдир.

“Ун нафар ёшга бир нуроний” лойиҳаси доирасидаги фаолиятнинг асосий ғояси – ҳар бир ёшнинг ички оламини англаш, мақсад ва орзуларини тинглаб, уларга ҳаётий маслаҳат ва ишончли йўл-йўриқ кўрсатишдан иборат. Чунки ҳар бир йигит-қизнинг қалбида ўзига хос олам, мақсад ва интилиш яшайди. Нуронийларнинг масалага жонқуярлик билан ёндашуви, уларни эшитиши, қўллаб-қувватлаши, зарур пайтда тўғри йўналтириши ёшлар онгида ижобий ўзгаришлар, фидойилик, масъулият ва меҳнатсеварликни шакллантиради.

Шу билан бирга, “Уч авлод учрашувлари” каби тадбирлар орқали нуронийлар, ўрта авлод ва ёшлар ўртасидаги мулоқот мустаҳкамланиб, миллий қадриятлар ва ҳаётий сабоқлар авлоддан авлодга узлуксиз тарзда ўтиб келмоқда. Бундай учрашувларда ҳаёт синовларидаги сабоқ олиш, мушкул вазиятларда сабр-тоқат ва қатъият билан ҳаракат қилиш орқали муваффақиятга эришиш мумкинлигини ўз кўзлари билан кўришмоқда.

Энди бевосита ўзим яшаётган Нуробод тумани мисолида айтадиган бўлсам, бугунги кунда бу ҳудудда 44 432 нафар ёшлар рўйхатга олинган. Улар

нинг 466 нафари уюлмаган тоифага мансуб бўлиб, бу қатлам билан махсус ёндашув талаб этилади. Шу мақсадда нуронийлар томонидан уларнинг ҳаётий мақсадларини аниқлаш, тўғри йўлга йўналтириш, ижтимоий фаолликка жалб қилиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Уларга касб-ҳунар ўргатиш, маданий ва спорт тадбирларига жалб қилиш, меҳнатга ундаш орқали жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига шароит яратилмоқда.

Бу жараёнда нуронийларнинг ҳаётий тажрибаси, самимий маслаҳатлари ва ишонч бағишловчи сўзлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар кексаларнинг сўзларини қадрлайди, улардан ўрнак олади. Шу боис ҳар бир нуроний – маънавий устоз, йўлбошиқ ва ҳаёт мактаби сифатида бекиёс таъсир кучига эгадир.

2017 йилда туманда барпо этилган “Нуронийлар маскани” ҳам ёшлар учун маънавий-маърифий ҳаёт марказига айланган. Бу ерда кутубхона, дам олиш хоналари, спорт ва жисмоний тарбия заллари ёшларнинг билим олиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиши ва маънавий суҳбатлар орқали ҳаётга тайёралиниши учун хизмат қилмоқда.

Шунингдек, “Нуронийлар маслаҳати” гуруҳи туманимизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, oilалардаги муаммоларни ҳал қилиш ва соғлом муҳитни яратишда фаол иштирок этмоқда. Кейинги йилларда 70 дан ортиқ ажрим ҳолати бар-тароф этилгани, 160 дан зиёд oilада соғлом муҳит тиклангани бунга яққол мисолдир.

Бу билан нима демокчиман: албатта ёшларга кўрсатилаётган ҳар бир эътибор, айтилган ҳар бир сўз ва амалий ёрдам уларнинг келажаги учун қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Эштурди РАҲИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси,
Нуробод тумани Нуронийлар
жамоатчилик кенгаши фаоли

Тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч

20 август – Тадбиркорлар кунини давлатимиз раҳбари ўз нутқида мамлакатимиз иқтисодиётида ушбу қатлам вакиллариининг ўрни ниҳоятда юқори эканига бежиз ургў бермади. “Сизлар бугун Янги Ўзбекистоннинг тадбиркорлик бизнес мактабини яратаясиз”, деди Президентимиз.



Гулжан ХАЛМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Дарҳақиқат, иқтисодиётимизнинг том маънодаги драйверига айланган ҳар бир тадбиркор ўз ортидан унлаб одамни эргаштиради, ишли, даромадли қилади, жамият ҳаётига янгилик олиб келади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 августдаги фармонида мувофиқ, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда салмоқли натижаларга эришяётган, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётган тадбиркорларнинг бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Айтиш жоизки, ўтган саккиз йилда қўллаб тармоқлар янгидан ташкил этилди. Бунга биргина иқтисодиётга жалб қилинган 230 миллиард долларлик инвестиция яққол мисолдир. Ўзбекистонда 600 дан зиёд стартаплар фаолият юритмоқда. Саккиз йил аввал уларнинг сони бармоқ билан санарли эди.

Мулоқотда келажагимиз ворислари бўлган ёшларнинг мингта стартап ғоясини тижоратлаштириш ва шундан 200 таси халқро бозорга олиб чиқиши қайд этилди. Шунингдек, жорий йилдан бошлаб, “Ёш тадбиркорлар” чемпионати ўтказилади. Энг яхши 100 та ғоя

танлаб олиниб, ҳар бир стартап учун 1 миллиард сўмгача инвестиция киритилади. Бу ҳам ёш ишбилармонларимизнинг фаолиятини янада ривожлантиришда уларга куч-ғайрат беради.

Мухтасар айтганда, очиқ мулоқот тадбиркор ва фермерларимизнинг молиявий имконияти ва экспорт салоҳиятини янада оширишга ҳамда қўшимча янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

ТАДБИРКОР ХАЛҚНИНГ, ДАВЛАТНИНГ ҚЎШҚАНОТИ

Давлатимиз раҳбари мустақиллик байрами арафасидаги тадбиркорлар билан учрашувида бугун юртимизда яратилаётган ҳар бир иш ўрни, қад кўтараётган ҳар бир корхона, халқимизнинг оғирини енгил қилаётган ҳар бир хизмат, экспорт бўлаётган ҳар бир маҳсулот тадбиркорларнинг жасорат билан қилаётган меҳнати, ташаббус ва изланишининг маҳсули эканлигини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, бугун юртимизнинг қай бир гўшасига бормайлик, янгича бунёдкорлик ва юксалишга қўшимиз тушади. Чекка-чекка қишлоқларгача sanoat кириб борди, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш замонавий тус олди, кўп қаватли турар жойлар қад ростлади. Умуман олганда, халқимизнинг турмуш тарзи кескин ўзгариб бормоқда.

Айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ҳар бир тадбиркорни қўллаб-қувватлаш устувор вазифага, кичик корхоналар йирик компанияларга айланди. Чет эллик инвесторларнинг юртимизга кириб келиши сезиларли дара-

жада ўсди. Натижада халқимизнинг яшаш фаровонлиги ҳам ошиб бормоқда. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан солиқ тизимининг маҳаллага туширилгани, “солиқчи – тадбиркорга кўмакчи” тизими жорий этилгани, тадбиркорликни бошлаганларга етарлича шароит ва имкониятлар яратилаётгани ҳисобига нафақат соҳа эгалари, балки аҳоли ўртасида ҳам расмий банд бўлишга қизиқиш ошиб бормоқда.

Масалан, ўзим сайланган Фарғона вилояти мисолида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун уларга кредит маблағлари ажратиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва экспорт бўйича

ҳам самарали ишлар ташкил этилди. Ҳар йили ўтказилаётган очиқ мулоқотлар, имконият ва шароитлар натижасида тадбиркорларимизда ташаббускорлик руҳи ортмоқда. Бу улар томонидан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва маҳсулотлар экспортда яққол сезилмоқда (2024 йил якуни билан хорижий инвестицияларни жалб қилиш 2020 йилдаги 416 млн доллардан 1,8 млрд долларга етди, яъни 4 бараварга ошди). Инвестицияларни жалб қилиш борасида жорий йилда 19 та давлат билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 101 та янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилди (жами 924 та).

Мисол учун, Ушкўприк туманида Хитойнинг “Yong Xin” МЧЖ ХК томонидан қиймати 90 млн доллар бўлган йирик ҳажмдаги кафеъ ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди ва 500 та юқори даромадли иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари тадбиркор-

лар билан очиқ мулоқотда “Энди давлат улуши бўлмаган корхоналарга экспортда мuddати ўтган қарздорлик учун жарима ҳисоблаш ва ундиришга бир йиллик “мораторий” эълон қилинади”, деган фикрлари хорижий инвестициялар жалб қилиш ва янада ривожлантиришда тадбиркорларимизга жуда катта кўмак бўлади, албатта. Ушбу тадбирда вилоятимизда фаолият юритиб келаётган бир қатор ишбилармонларнинг “Фаол тадбиркор” кўрак нишони ва Кува туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Элёржон Жалоловнинг “Шухрат” медали билан тақдирлангани барча бизнес вакиллари, жумладан, O'zLiDeP аъзоларини ҳам беҳад қувонтирди.

Ўз навбатида бундай имконият ва эътибор уларга янада куч-қувват бағишлайди. Зеро, Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, тадбиркор бой бўлса, кучли бўлса, халқимиз бой, давлатимиз кучли бўлади.



Гулчехра ЖЎРАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси



ИШБИЛАРМОНЛИКНИ КИМЛАР УЛУҒЛАЙДИ?

Бугунги кунда жамият тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айниқса, тадбиркорлик соҳасида уларнинг иштироки жамиятнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва маънавий ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Шу маънода, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш – бу нафақат иқтисодий ўсиш, балки жамиятда барқарорлик, фаровонлик ва тенгликни таъминлашнинг ҳам муҳим омили ҳисобланади. Аёлларнинг салоҳияти, билим ва тажрибаларини тадбиркорлик орқали рўёбга чиқариш,

уларни қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатнинг умумий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш мумкин.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам айна мақсад йўлида қатор самарали лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Партиянинг ана шундай лойиҳаларидан бири бўлган “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови ҳам интилувчан бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш баробарида бугуннинг замонавий тадбиркор аёли қиёфасини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

БУХОРО



Модарихон мадрасасида мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шиори остида “Ишбилармон аёл – 2025” кўрик-танловининг Бухоро вилоят ҳудудий республика босқичи ўтказилди.

Очилиш маросимида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хайтов барча қатнашчиларни самимий қутлар экан, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар моҳиятини аёллар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови соҳанинг янги иқтидорларини кашф қилиш, партия сафига жалб этиш, кадрлар заҳирасини янада кенгайтириш имконини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг партия вилоят кенгаши раиси Обиджон Ҳамидов, Ўзбекистон Қарамони Мартия Раҳматова, пешқадам фермер Санам Жумаева сўзга чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиёти, кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланишида хотин-қизлар роли янада ошиб бораётганига тўхталди.

Танловнинг маҳаллаларда бошланган саралаш босқичида 500 дан ортиқ ишбилармон, фермер, хунарманд иштирок этди. Ғолиблар туман ва шаҳар босқичларида беллашишди. Худудий республика босқичига эса 13 нафар иштирокчи етиб келди.

– Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганимизга тўрт йил бўлди, – дейди фахрли 1-ўринга муносиб кўрилган Ромитан туманидаги “Басийр” МЧЖ раҳбари **Сурайё Шаропова**. – Корхонамиз кўп тармоқли бўлиб, бу ерда асосан тўқима стол-стул ҳамда транспорт воситаларига тиркамалар ишлаб чиқаришмоқда. Туманимиздаги Боғча, Навоий, Бобур, Ўба, Тарнаут маҳаллаларидан 50 нафар кишининг доимий бандлиги таъминланган. Маҳсулотларимиз Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қорақалпоғистонга етказиб берилмоқда. Йилига 500 млн сўмлик тайёр маҳсулотлар реализация қилинмоқда.



– Хотин-қизлар миллий либослари ва заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимизга анча бўлди, – дейди 2-ўрин соҳиби, Бухоро шаҳридаги “Mamedova SH” хусусий корхонаси раҳбари **Шахло Мамедова**. – О'zLiDeP томонидан тадбиркор аёлларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизни ўз устимизда янада ишлашга, ҳамкасбларимиз билан тажриба ва фикр алмашишга замин яратади.

Дарҳақиқат, Шахло Мамедованинг саяй-ҳаракати билан Бухоро шаҳрида ташкил этилган корхонада 35 нафар, Ғижувон туманидаги миллий чопонлар цехида 16 нафар, Қорақўлдаги қўл меҳнати маҳсулотлари тайёрлаш цехида 15 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган. Бундан ташқари, Жондор туманидаги зардўзлик цехида ҳам 15 нафар опа-сингиллар доимий иш билан машғул.

3-ўринга эса Бухоро туманидаги “Нақшбанд” хунармандчилик маркази раҳбари **Диловар Болтаева** сазовор бўлди.

Шунингдек, иштирокчилар “Замонавий ташаббускор аёл”, “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор”, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл”, “Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл”, “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли” номинациялари бўйича ҳам алоҳида эътироф этилди. Ғолиб ва совриндорлар О'zLiDeP ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом, ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Танлов низомига асосан ҳудудий босқич ғолиблари “Ишбилармон аёл – 2025” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари ҳисобланади.

Танлов давомида миллий либослар намоиши ва санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқ ҳамда бадий чиқишлар йиғилганларга байрамона кайфият бахш этди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Бу йил ўнинчи маротаба ўтказилаётган кўрик-танловнинг Олмалиқдаги “Металлург” маданият саройида ташкил этилган ҳудудий республика босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Виктор Пак, Галия Райханова, Атхам Назирқулов ҳамда партия вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев, ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари, самарали бизнес фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Дастлаб танлов доирасида ташкил этилган кўргазмада иштирокчилар ишлаб чиқарган маҳсулотлар, қўл меҳнати ва бадий безак санъати намуналари намоиш этилди.

– Албатта, танлов шартларига кўра ишбилармон аёлларимиз маҳоратини баҳолаш осон кечмади. Негаки уларнинг ҳар бири алоҳида эътироф ва таҳсинга лойиқ, фаолият турини самарали йўлга қўйиш баробарида ибратли ишларни ҳам амалга оширган, – дейди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулшана Худоев**. – Улар нафақат аънавий, балки sanoat ва ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Шунинг яққол мисолларидан бири – уяли картонлардан “поддон”лар ишлаб чиқариш фаолиятidir. Кўргазмада мана шундай

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган йирик қўшма корхонани бошқариб, тез суръатларда ривожлантира олган бизнес вакилларининг ишини кўриб, фахрландик. Бу нафақат маҳаллий, балки ташқи бозорда талаб юқори бўлган маҳсулот ҳисобланади. Корхона маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрламоқда, янги иш ўринлари яратмоқда, бозорда рақобатбардош инновацион ечимларни тақдим этмоқда.



Яна бир эътиборга молик ишлардан бири, бу миллий хунармандчиликни ривожлантириш ортидан Япониягача етиб бориб, у ерда ҳам япон қизларига бадий қаштачиликни ўргатаётган ёш иқтидорли тадбиркор қизлар қайта кашф этилди. Узининг муъжазгина томорқасида қўзқорин етиштириб, унинг ноёб турларини ҳам парваришлаб, даромад топиб, ҳозирда 17 гектардан ортиқ майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиб, қайта ишлаб, қадокловчи агрокластерга асос солган аёллар борлиги қувонарлидир. Хуллас, бир-биридан илғор, серқирра, жасорат ва фидойиликни ўзига касб қилиб олган танлов иштирокчиларининг ҳар бири бизда жуда катта таассуротлар қолдирди.

– Аёл тадбиркор – фақат ишбилармон эмас, балки жамият тарбиячиси ҳам айланиб улгурди, – дейди **О'zLiDeP Аёллар муаммоларини ўрганиш ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Севара Муслимова**.

– Унинг қимматли жиҳати фақат иқтисодий натижаларда эмас, балки жамиятда мурувватлилик ва саҳийлик аънаваларини давом эттираётганида ҳам намоён бўлмоқда.



Йил бошидан бери танловнинг маҳалла босқичларида 5 мингга яқин, туман ва шаҳар босқичларида 700 дан ортиқ, ҳудудий республика босқичида эса 22 нафар бизнес вакиласи иштирок этди. Ниҳоят ҳайъатининг якуний қарорига кўра, фахрли 3-ўринга Ўрта Чирчиқ туманидаги “Маневе агро кластер” МЧЖ раҳбари Фируза Муҳаммедова, 2-ўринга Ангрен шаҳридаги “Yangiobod kelaajak sari” oilaviy korxonasi rahbari Oйша Уралова лойиқ кўрилди. Фахрли 1-ўринни эса Охангарон шаҳрида фалтак иплар учун қоғоз поддонлар ва қуришчи маҳсулотлари учун пастрҳаратлар музламаайоний гуноқоний ишлаб чиқаришчи “Ekelel paper and plastic packaging” қўшма корхонаси МЧЖ раҳбари Азиза Ҳасанова қўлга киритди. Шунингдек, “Замонавий ташаббускор аёл” номинацияси бўйича Нодира Собирова, “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли” номига Дилбар Раҳматова, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл” – Сафорой Бердиева, “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” – Паризод Холмуҳамедова, “Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл” шарафи Ойдиной Норматовага насиб этди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлими мудири

САМАРҚАНД



Истиқлолимизнинг 34 йиллиги муносабати билан “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шиори остида ташкил этилган кўрик-танловда 50 дан ортиқ тадбиркор, фермер қатнашди.

Вилоятдаги 500 дан ортиқ маҳаллада ўтган илк босқичда 1 515 нафар хотин-қиз иштирок этиб, шулардан 742 нафари саралаб олинди. 16 та туман (шаҳар) босқичида эса 42 нафари танланиб, уларнинг 14 нафари Самарқанд вилоят ҳудудий босқичида иштирок этиш учун йўланмани қўлга киритди.



Эътироф этиш жоизки, О'zLiDeP “Аёллар қаноти”нинг “Бунёдкор аёллар”, “Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори!”, “Бир депутат – юз аёлга кўмакчи!”, “Фаровон оила”, “О'zLiDeP фаоли – ислохотлар тарғиботчиси!”, “Саломатлик сари” ва бошқа лойиҳалари, бу борадаги семинар, акция ва мулоқотлар аёлларнинг ўз ишини бошлашга илҳомлантиряпти, куч-қувват бағишляпти.

Натияжаларга кўра, биринчи ўринга қўшрабтлик қандолатчи Зебунисо Абдурақонова, иккинчи ўринга ургутлик хунарманд Муқаддам Жабборова, учинчи ўринга тойлоқлик фермер Мавлуда Ҳайдарова лойиқ кўрилди. Зебунисо 15 йилдан бери қандолатчилик билан шуғулланади. Ўз хонадонида цех очиб, 10 нафар доимий ишчи олди. 100 дан ортиқ шогирдига пишириқ пишириш сирини ўргатмоқда. Маҳсулотлари “Keyk ledi Zebo” номи билан ички бозорни тўлдирмоқда.

Муқаддам Жабборова кўрпа-кўрпача, ёстиқларни тайёрлаб, буюртма асосида бозорларга тарқатади. Бугунги кунда унинг маҳсулотлари жуда харидор-гир бўлиб, ҳар бир тўпламини олти миллиондан ўн беш миллионгача сотади. Муқаддам опа эса 10 йилдан бери тикувчилик билан шуғулланиб, 100 дан ортиқ шогирд чиқарди. 30 та доимий иш ўрни яратиб, маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакилларини иш билан банд қилган. Мавлуда Ҳайдарова 2003 йилдан буён “Ихтиёр Маматмурод Элипок даласи” фермер хўжалиги раҳбари, ғаллачилик ва полизчилик билан шуғулланади. Пиллачиликда туманда намунали аёл. Ўз сафига 18 нафар доимий, 100 дан ортиқ мавсумий ишчиларни банд қилган.

О'zLiDeP Самарқанд вилояти кенгаши
матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши томонидан кўрик-танловининг республика ҳудудий босқичи ўтказилди. Унда туман босқичларида ғолиб бўлган 35 нафардан ортиқ ишбилармон аёл ўз фаолият йўналишларини намоиш қилди. Миллий либослар дизайни, хусусий боғча ва мактаб таъсисчилари, хизмат кўрсатиш соҳасида муваффақият қозонган хотин-қизларнинг ўз ишидаги инновацион ёндашуви ва маҳсулот сифати меҳмонлар эътиборини қозонди.

Фахрли 1-ўринни Мирзо Улуғбек туманидаги “Монтасерро” хусусий мактабга таълим таъсисчиси Хилола Юлдашева қўлга киритди. У пул мукофоти, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



– Бу мен учун жуда катта шараф ва масъулият, – дейди Хилола Юлдашева. – Ҳозиргача 500 дан ортиқ ишчи ўрин яратиб, жамиятимизда бандликни камайитириш ва аҳоли фаровонлиги ривож учун оз бўлса-да ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Танловда иштирок этиш жараёнида жамоамизнинг меҳнатини намоиш этиш имконига эга бўлдик. Биз хорижий таълим усулларини ўз кадриятларимиз ва маданиятимизга мослаштириб, дарс жараёнларида қўладик. Шу билан бирга, келажак авлодларимизнинг юқори билим эгаси бўлиши учун ҳатто хориждан ўқитувчиларни жалб қилганмиз.

2-ўринга Шайхонтоҳур туманидан “Azukar Morena” бренди асосчиси Камола Рустамова, 3-ўринга эса “Asia Kandi” МЧЖ таъсисчиси Дилноза Ҳасанова лойиқ топилди.

Ғолиблар ҳамда фаол иштирокчилар партиянинг эсдалик совға ва ташаккурномалари билан тақдирланди.

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати

МУНОСАБАТ

ТУРИЗМ – ДАРОМАД ВА ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Замонавий туризм индустрияси жаҳон тажрибасида энг юқори даромад келтирувчи соҳа ҳисобланади. Дунё ялпи даромадиниңг қарийб 10 фоизини, халқаро миқёсда эса автомобиль ишлаб чиқариш, нефть ва газ тармоқларидан кейин учинчи ўринни эгаллайди.



**Азиза АМИНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси**

Хозирги кунда туризм соҳасига табиий ресурсларга бўлган қарамликни бартараф этиб, экологик вазиятни яхшилашга хизмат қиладиган соҳа сифатида ҳам қаралмоқда. Соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Ҳар йили олий ўқув юртларини ушбу мутахассислик бўйича 1 000 га яқин талаба бакалаврият йўналишини битириб, 80 нафардан зиёди магистрлик даражасини олади. 12 та ихтисослаштирилган касб-хунар коллежини 3,5 минг нафардан ортқ кадрлар битирмоқда.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2018 йилда туризмдан даромад олган давлатлар орасида 150-ўринни, мамлакат ялпи ички маҳсулоти-ни шакллантириш бўйича 115-ўринни, соҳа-да банд бўлганлар сони бўйича 220 та давлат

ичида 69-ўринни эгаллаган. 2024 йил охири ва 2025 йил ўрталарида эса мамлакатимиз энг тез ривожланаётган сайёҳлик йўналишлари рўйхатида тўртинчи ўринга чиқди.

Статистик маълумотларга кўра, 2024 йил-да Ўзбекистонга 10,2 миллион хорижий сайёҳ ташриф буюрган. Туристлар оқимининг кўпайиши мамлакатимизда хунармандчилик соҳа-сининг ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Демак, юртимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилса, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, янги иш ўринларини яратишга замин бўлади. Натижада аҳоли даромадлари ошади, муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмалар янгиланади, уй хўжалиги маҳсулотларининг ассортименти кенгайди.

ФАРМОН МОҲИЯТИ

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИДИР

Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва замонавий меҳнат бозорини шакллантириш йўлида янги ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 август куни имзоланган “Меҳнат муносабатлари ва касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда иш берувчиларни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони меҳнат муносабатларини либераллаштириш, иш берувчилар ва ишчилар манфаатларини уйғунлаштириш, касбга тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу ҳужжат моҳиятига кўра, ходим ва иш берувчи ўртасида самарали ва адолатли муносабатларни йўлга қўйиш, касбий тайёргарлик ва малака ошириш тизимини модернизация қилиш, иш берувчиларни ортқча ҳисобот ва маъмурий жавобгарликдан озод қилиш, ишсизларни қайта тайёрлаш ва ижтимоий муҳофазани кучайтиришни ўзида ифода этади.

Фармоннинг қабул қилиниши меҳнат муносабатларида иштирақ этувчи барча томонлар учун манфаатли бўлиб, эндиликда иш берувчилар бугунги кунгача амалда бўлган бўш иш ўринлари тўғрисидаги ҳисоботни 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб тақдим этиш тартибининг бекор қилиниши республика бўйича 100 минглаб иш берувчиларнинг ҳар ойдаги оворагарчиликларига барҳам беради.

Фуқаролар турли сабабларга кўра, ишсиз қолган тақдирда муносиб нафақа ва қайта тайёрланиш имкониятига эга бўлади, малака ошириш орқали меҳнат бозорида ўз ўрнини топади. Иш берувчилар ўз эҳтиёжига мос кадрларни топишда давлат органлари билан ҳамкорликда ишлайди, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлардан фойдаланиш имконига эга бўлади.

Мазкур фармон Конституциямизда белгиланган ижтимоий давлат тамойилини амалга ошириш учун яна бир муҳим ҳужжат вазифасини ўтайди. Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга иш ўринларини захиралаш учун аниқ меъёrlарнинг ўрин олиши ҳеч бир имконияти чекланган шахс эътибордан ташқарида эмаслигини исботлайди.

Шу билан бирга, меҳнат муносабатларидаги қонунийликни таъминлаш, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, мажбурий ва норасмий меҳнатга барҳам бериш мақсадида давлат меҳнат инспекторларига текширишларни ташкил этиши ва меҳнат қонунчилиги бузилган ҳолда қоидабузарликни рақамли технологиялар ёрдамида расмийлаштирилиши шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Касб-хунарга ўқитишда жорий қилинаётган 3 босқичли тизим (видеодарсликлар, касбга ўқитиш ва малака ошириш) фуқароларнинг харажат ва вақтини тежаш билан бирга касб кўникмаларини ривожлантиришда самарали усул сифатида баҳоланади. “Касб ваучери” ссудасининг жорий қилиниши ва бундан барча шахсларнинг фойдаланиш имкониятлари яратилгани эса аҳолини замонавий касбларга ўрганишини рағбатлантиради. Ушбу ссудани ишга жойлашгандан сўнг икки йил давомида қайтариш ходим учун молиявий қийинчиликни юзага келтирмайди.

Хулоса шуки, мазкур ҳужжат меҳнат бозорини замон талабларига мос равишда янгилашга хизмат қилади. Бу ислохотлар аҳоли учун иш топиш имкониятларини кенгайтиради, иш берувчилар учун эса бизнес юритишда қулай шарт-шароит яратади. Энг асосийси, бандлик тизимида тенглик ва адолат таъминланиб, мамлакат тараққиётида инсон капитали асосий устувор омил сифатида намоён бўлади.

**Бахтиёр РУҲИТДИНОВ,
О'зЛиДеР Ишбилармонлик муҳитини
яхшилаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва
партия дастурлари мониторинги
департаменти раҳбари**

ТАДБИР

Инсон шаъни муқаддас

О'зЛиДеРнинг Қашқадарё вилояти ва Қарши шаҳри кенгашлари ҳамкорлигида Республика ихтисослаштирилган Кардиология марказининг ҳудудий филиалида Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон – инсон қадри улуг'ланган юрт” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.



Тадбирда сўзга чиққанлар кейинги саккиз-тўққиз йил мобайнида юртимизда инсон қадрини улуг'лаш, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини замонавийлаштириш асносида халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаётдан рози бўлиб умргузаронлик қилиши учун ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланишини таъкидлаб ўтдилар. Айнқса, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, ижтимоий ҳимоя, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар замирида ҳам инсон манфаатлари тургани бунинг яққол исботи бўлди.

– Бундан тўққиз йилча муқаддам юрак касаллиги билан оғриган қашқадарёлик бе-

морлар пойтахтга, баъзан хорижий давлатларга бориб даволанишга мажбур эдилар, – деди О'зЛиДеР вилоят кенгаши бўлим мудири Зулхумор Шомаматова. – Энди эса шахримиздаги замонавий кардиология марказида дардларига шифо топишлари мумкин. Мазкур шифо масканида мураккаб юрак жарроҳлик амалиётлари ҳам ўтказилмоқда. Партиямиз дастурий мақсад-

ларидан фуқароларнинг тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўриш, аҳоли ўрта-сида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдек устувор вазифалар ўрин олганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Давра суҳбатиде сўз олган партия фаоллари ва депутатлар “Ўзбекистон – 2030” стратегиясидаги устувор вазифалар, О'зЛиДеР илгари сурган 5 мақсад ва 500 вазифа ижроси доирасида тиббиёт тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқ манфаатларига хизмат қиладиганини таъкидладилар.

Тадбир якунида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, партия дастурий мақсадлари, стратегик вазифалари ва жамиятдаги ўрни ҳақида тарғибот ишларини кучайтириш, қуйи бўғин фаолиятини янада жонлантириш, янги аъзоларни жалб этган ҳолда партия сафини кенгайтириш юзасидан филиал қошидаги БПТ фаоллари олдиде турган вазифалар ҳам белгилаб олинди.

**Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири**

ҚУТЛОВ

OQDARYO TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH KORXONASI

Ўзбекистон аҳолини давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллик баёрами билан қутлайди!

Устуклор барча соҳалар қатори ўйлсозлик тармоғида ҳам улкан ўзгариш ва ютуқларга замин яратди.

Ниятимиз, рабон ва хавфсиз ўйлар сизни ҳар доим тараққиёт ва фаровонлик манзилларига элтсин.

Юртимиз обод, кўчаларимиз фойзли ва қатновларимиз беҳатар бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Реклама

ПАРТИЯ ЛОЙИХАЛАРИ

ХУСУСИЙ ТАЪЛИМНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда айни палатанинг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси ҳамкорлигида “Хусусий таълим истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган тадбирда депутатлар, Олий таълим, фан ва инновациялар, мактабгача ва мактаб таълими вазириликлари, нодавлат таълим ташкилотлари мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатни кудратли, миллатни буюк қиладиган куч – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Шу боис сўнгги йилларда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш, ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилипти. Соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган 50 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва уни тубдан такомиллаштиришга имкон яратди. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 50-моддасида ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгалиги, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари



ривожланишининг таъминлиниши, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши белгилаб қўйилди.

– О‘зЛиДеР сайловолди дастурида ҳам сифатли таълимга эришиш, таълим ва интеллектуал ривожланиш бўйича Янги Ўзбекистон дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторига кириши зарурлиги белгиланган, – дейди **О‘зЛиДеР Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимов**. – Мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжнинг тўлиқ қондирилиши кафолатланган бўлиб, бугунги кунда давлат-хусусий шериклик ва нодавлат мактаб-

гача таълим ташкилотлари биринчи навбатда қўллаб-қувватланмоқда. Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг ўртача иш ҳақини 2 баробар ошириш чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда таълимнинг барча соҳаларидан самарали фойдаланиш учун аниқ ҳуқуқий асосларни яратиш ва уларни янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Бунда халқаро амалиётни чуқур ўрганган ҳолда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини замон талабларига мослаштириш зарур.

Хусусан, келгуси йилларда мактаблар-

ни ривожлантириш давлат дастурини жорий этиш, 2030 йилга қадар қўшимча 2,5 млн ўқувчи ўрнини яратиш, таълим сифатини тубдан яхшилаш асосий вазифалардан биридир. Бугунги кунда нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари сони 2 баробарга оширилиб, улар фаолиятини йўлга қўйиш учун 1 триллион сўм миқдориди имтиёзли кредитлар ажратиш мақсад қилинмоқда. Давлат ташкилотларидан мустақил бўлган ва ҳолисона баҳолайдиган нодавлат “таълим аудити” тизимини жорий этиш, мактаблар ўртасида ўтказиладиган барча танлов ва тадбирларда нодавлат мактаблар-

рининг ҳам иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда профессионал таълим тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, 2030 йилгача битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш қўламли 50 фоизга етказилиши учун чора кўриш зарурлиги айтилди. Конференцияда сўнгги йилларда юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бераётгани таъкидланиб, хусусий таълим муассасалари фаолиятини таҳлил қилиш, қонунчиликдаги муаммоларни жиҳатларни аниқлаш ва тақлифлар ишлаб чиқиш, хусусий таълимда сифатни ошириш, аккредитация ва лицензиялаш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда давлат-хусусий шериклик механизмларини муҳокама қилишга қаратилган тақлифлар ҳам илгари сурилди. Хусусий таълимнинг иқтисодий моделлари ва молиялаштириш, бунда, давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар ҳамда инвестициялар жалб қилиш кераклиги таъкидланди.

Илмий-амалий конференция якунлари бўйича амалий тақлиф ва чора-тадбирлар режаси шакллантирилиши, парламент назорати механизмлари орқали уларнинг ижроси таъминлиниши белгилаб олинди.

Мухбиримиз

Biznesni Rivojlantirish Banki

MUSTAQILLIGIMIZNING 34 yilligi

MUBORAK BO'LSIN!

Mustaqillik bayrami muborak bo'lsin!

*Vatan uchun,
millat uchun,
xalq uchun!*

Реклама ҳуқуқи асосида

ТА'ЛИМ КРЕДИТИ

BRB ilovasida onlayn rasmiylashtiring

*Kredit - oliy (davlat, xususiy, xorijiy universitetlar) va professional ta'lim tashkilotlarida bakalavi hamda magistraturaning kunduzgi ta'lim tahsil olish shaklida oqiyotgan talabalarga ajratiladi.
*Ta'lim krediti talabaning nomiga, faqat birligina jamiy shaxs kafiligi yoki sug'urta bilan beriladi.

Хизматлар лицензияланган!

0%

Talaba xotin-qizlar uchun

Imtiyozli davr 6 oy

14%

Talaba yigitlar uchun

Kredit muddati 7,5 yil

BRB ilovasini yuklab olish uchun QR-kodni skanerlang

ШУКУХ

Сирдарё бўйларида...

“Ватан учун, миллат учун, халқ учун!”

Сайхунободда мустақиллик байрамига бағишланган шоу-концерт ана шундай номланди. Бахмалсой маҳалласидаги “Sirdaryo Politex” мажмуасида ўтган ушбу тадбир аввалида O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши аппарат раҳбари Шоҳиста Бозорбоева ва туман кенгаши раиси Ойбек Ниязов йиғилганларни улуг айём билан табриклади.

Қайд этилганидек, истиқлол халқимиз ҳаётига улкан имконият ва ютуқлар олиб кирди. Мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти, сиёсий тизими тубдан янгиланди. Энг муҳими, халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи, фаровон ҳаётга интилишида юксак ўзгаришлар рўй берди.

Байрам тадбирида миллий қадр-ятларимизни тараннум этувчи куй-қў-

шиқлар, юртимиз гўзаллиги, халқимизнинг мард-жасурлигини мадҳ этувчи саҳна чиқишлари намойиш этилиб, барча кўтаринки кайфият улашди. Партия фаолларига эсдалик совғалари топширилди.

Абдужаббор ЭРНАЗАРОВ,
O'zLiDeP Сайхунобод туман кенгаши
аппарат раҳбари




NUROBOD TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI

халқимизни муборак Мустақиллик байрами билан табриклайди.

Истиқлол барча соҳаларда бўлгани сингари соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг ислохотлар ва замонавий тиббий хизматларнинг ривожига пойдевор бўлди.

Тинчлик, соғлиқ ва фаровонлик барчамизга ҳамроҳ бўлсин!



Реклама

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ


1 сентябрь – энг улуг ва энг азият байрам – Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни билан ватандошларимизни самимий қутлайди.

Ортада қолган 34 йиллик давр мобайнида фермерлик – чинакам халқ манфаатида хизмат қиладиган, юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган стратегик соҳага айланди.

Бугун “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу гоя остида ўтаётган байрам тадбирлари фермерларимизга ҳам руҳий ва маънавий қувват бахш этмоқда.

Эзгу тилагимиз, юртимиз осуда, ерларимиз серҳосил, меҳнатимиз баракали бўлсин!






“Навоий кон-металлургия комбинати”

акциядорлик жамиятининг кўп минг сонли
жамоаси

*Биз, азизларни Ўзбекистон Республикаси давлат
муستакиллигининг 34 йиллик байрами муносабати билан чин қорақдан
самимий муборакбод этади. Ўртимиз тараққиёт ва иқтисодий
саломатлигини мустаҳкамлашда стратегик аҳамиятга эга бўлган
комбинатимиз жамоаси истиклолмиз шарфати тўғрисида қатъий
ўлкан ыққониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, илмий
иқтисодийликмизнинг таянчи сифатида фаолият юритиб келмоқда.
Хур ва фаровон Ватанмизнинг раънақи, халқимиз
фаровонлиги йўлидаги савъй-ҳаракатларимиз
бардавом бўлсин!*



Хизматлар лицензияланган!



Самарқанд вилояти
Ургут туманида фаолият кўрсатаётган

“URGUT SAVDO KOMPLEKSI”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*барча юртодишларимизни Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод
этади. Бу улуг сана – Ватанмизнинг эркин ва фаровон келажиги сари
дадил қадам ташлаётганини, юртимизда тинчлик, барқарорлик ва
тараққиёт устувор қадрият сифатида мустаҳкам қарор
топаётганини аёнлашувчи шарафли байрамдир.*

*Юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган
ислохотларда сизларга куч-гайрат, тинчлик ва бирдамлик тилаймиз!*

Байрамингиз муборак бўлсин!



Хизматлар лицензияланган!

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

ЖАМОАСИ

*халқимизни мамлакатимиз
мустақиллигининг 34 йиллиги
билан қизгин табриқлайди!
Истиқлол тўғрисида таълим
мустақил фикрлайдиган, илмий ва фидойи
авлодни тарбиялашнинг мустаҳкам
пойдеворига эврилиб бормоқда.
Университетимиз маърифат билан
тараққиёт ўртасида мустаҳкам кўприк
вазифасини бажаришни мақсад қилган.
Юртимиз тинч, илмимиз ҳар
жиҳатдан мамлакат ва халқ учун
манфаатли бўлсин!*

Байрамингиз қутлуг бўлсин!



Хизматлар лицензияланган!

